

**“@muhojir”
БИЛАН ТАНИШУВ
ДАСТЛАБКИ
ҚАДАМ**

Сирож 2016 йилнинг сентябрь ойида яна сафарга тараддул кўради. Борадиган манзил аниқ, Россия давлатининг Ижевск шаҳри. У яна қурилиш ишлари-га шўнғиди. Сирож 2018 йилнинг сўнги ойларида ишлаб топган пулларининг бир қисмига замонавийроқ уяли алоқа воситаси сотиб олади.

У шундан сўнг ишдан бўш вақтларида қўл телефони орқали интернетнинг Youtube ижтимоий тармоғидаги видеоларни ва Telegram мессенжеридеги турли аудио-видео кўринишидаги материалларнинг “ўқувчиси”га айланади.

Жумладан, у мазкур ижтимоий тармоқлар орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти тақиқланган, шунингдек, Республика қонунчилигига тўғри келмайдиган, нафақат давлат қонунчилигига хаттоки муқаддас динимиз аҳкомларига зид бўлган, муқаддас китобда келтирилган оятлар нотўғри талқин қилинадиган “Содиқ Самарқандий”, “Абдуллоҳ домла”, “Шайх Муҳаммад Юсуф”, “Абу Салоҳ Ҳафизуллоҳ”, қирғизистонлик “Абдулазиз домла”нинг диний мазмундаги видео материалларини кўришни, шунингдек, “Абдуллоҳ домла”нинг канали орқали диний мазмундаги аудио маърузаларни тинглаб боришни қанда қилмайди.

Шу тариқа Сирож Ходжанов 2019 йилнинг ёз ойларига қадар юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг материалларини кўриш ва эшитиш орқали Исломи дини ақидаларини ўз билганича ўрганади.

Айни ўша йилнинг ёз палларидида Сирож Youtube ижтимоий тармоғида “Абу Салоҳ” исмли шахснинг маърузаларини муккасидан кетиб тинглай бошлайди. Ушбу маърузаларнинг қисқача мазмунни қуйидагича эди: “Сурияда ҳеч қандай фитна бўлмаётганлиги, у ерда мусулмонлар рус-кофирлар томонидан бомбалаётганлиги, шиялар томонидан ўлдирилаётганлиги шунинг учун Суриядаги мусулмонларга ёрдам бериш кераклиги, бошқа давлатларда яшаётган мусулмонларнинг Сурияга бориб, у ердаги мусулмонларга ёрдам бериши “фарзи айн” эканлиги, яъни энг биринчи фарз ҳисобланганини таъкидлаб, бошқа ҳудудларда яшовчи мусулмонлар Сурияга бориб, кофирларга қарши “жиход”да иштирок этиб, “жиход”да ҳалок бўлиши “шаҳид” кетиш ҳисоблангани, “шаҳид” кетиш дегани — бу жаннатнинг энг олий даражасига етишни англатиши ҳақидаги” сароблардан иборат эди.

Ана шундай давом этаётган кунларнинг бирида Сирож Telegram мессенжеридеги “@muhojir” номли фойдаланувчи билан алоқа ўрнатади ва у билан ёзишмаларни амалга ошира бошлайди. Жумладан, ёзишмалар чоғида “@muhojir” С.Ходжановга ҳозир Сурияда 4-5 та жойда катта “жиход” бўлаётганлигини “Абу Салоҳ” тирик эканлигини, Сирожнинг Россиядан Сурияга боришига йўлқира харажатлари учун тахминан 800 АҚШ доллари миқдоридида пул керак бўли-

Йўлингни йўқотсанг ҳам, элингни йўқотма!

Ёхуд адашган инсон ҳикояси

Давоми. Бошланиши 1-бетда

шни маълум қилган. Аммо Сирожда бунча пул йўқлиги боис, у “жиход”га кетиш учун етарли миқдорда пул тоганидан кейин “@muhojir”га алоқага чиқишини айтади.

СўНГИ ҚАРОР

Сирожнинг “@muhojir” билан танишуви ҳаёт тарзини ўзгартириб юборади. Сирож энди Сурияга бориб, у ердаги “жиход”да иштирок этиш ва “шаҳид” кетиш орқали мусулмонларга ёрдам бериш Исломи динида фарз эканлигини ўйлаб, 2019 йил август-сентябрь ойларида ишлаб 800 АҚШ долларини тўплашини ва террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун Сурияга боришни сўнги қарор сифатида мақсад қилади.

У мазкур жиноий режасига асосан 2019 йил сентябрь ойининг сўнгида Telegram мессенжеридеги орқали яна “@muhojir” номли фойдаланувчига алоқага чиқади. Ва унга йўл харажатлари учун кетадиган 800 АҚШ долларини жамғариб қўйганлигини ва Сурияга кетишга тайёрлигини айтади. Бунга жавобан “@muhojir” Сирожга Сурияга бориш йўлини тушунтирадиган шахснинг Telegram мессенжеридеги “@guliston77” номли ҳаволани юборган.

Шундан сўнг Сирож “@guliston77” ҳавола фойдаланувчиси Бахтиёр билан танишади. У билан ўзаро ёзишмалар давомида Бахтиёр Сирожга Россиядан Сурияга бориш йўллари тушунтиради. Сирожнинг паспортда четга чиқишга рухсат йўқлигини билгач, унга хавфсиз йўл сифатида дастлаб, Россиядан Грузиянинг Тбилиси шаҳрига, сўнг у ердан “Тбилиси — Истамбул” йўналиши билан катновчи автобусда Туркиянинг Истамбул шаҳрига боришини, у ерга боргач, “Лалели” бозори атрофидаги меҳмонхонага жойлашиб алоқага чиқишини айтади. Шундан сўнг Сирожга кейинги кўрсатмалар берилишини таъкидлайди.

**“УРУШ” МАНЗИЛИ
САРИ ЮРИШ**

Сирож ўзининг жиноий режасига кўра белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш учун янги ғоялар ўйлайди. У режага мувофиқ ҳаракатланиб, 2019 йилнинг 1 октябрь санасида интернет орқали “Ижевск — Москва” йўналишидаги поездга, сўнг “Москва — Ереван — Тбилиси” авиарейсига электрон чипталарни харид қилади.

Шундан сўнг Сирож октябрнинг иккинчи санасида “Ижевск — Москва” йўналишидаги поездга чиқиб, Москва томон йўл олади. Тахминан ярим йўлни босиб ўтган Сирож WhatsApp мессенжери орқали Ижевск шаҳрида ўзи билан бирга ишлаб юрган акаси Умид Ходжановга нома йўллайди. “Умид ака мен Аллоҳ йўлида “жиход”га кетдим, Суриядаги кофирларга қарши уришаётган мусулмонларнинг ёнига. Мени излаб хавотир олиб ўтирманглр.

Худо хоҳласа кўришамиз, кўришмасак қиёматда кўришамиз. Аллоҳ мусулмонларга ёрдам бериши ҳар бир мусулмонга фарз этган, бормасам гуноҳкор бўлман. Ҳозирда уруш “фарз айн”, бу йўлга кириш учун ота-онадан рухсат сўралмайди. Шунинг учун, сизларга айтмадим. Аллоҳ талонинг динини маҳкам тутинглр, намозни ўрганинглр”, деб хабар ёзади. Айнан шу мазмундаги хабарни у амакиси Шавкат Чаршеновга ҳам юборади.

Шу орада, Сирожнинг акаси Умид укаси юборган хабарни ўқиб, бу ҳақида зудлик билан отаси Шўхрат Ходжановни хабардор қилади. Ш.Ходжанов эса, укаси Шавкатга қўнғироқ қилиб, мазкур ҳолат юзасидан Россиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига мурожаат қилишини айтади. Ш.Чаршенов акасининг илтимосига кўра, бу ҳақда Ижевск туманидаги Федерал хавфсизлик хизмати бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

МАҒЛУБИЯТ

Октябрнинг учинчи санаси тонгида Сирож Москвага етиб боради ва шу куни кечга яқин Внуково аэропортига борган Сирож аэропорт ходимларига интернет орқали харид қилинган чиптани тақдим этиб, “Москва — Ереван” ва “Ереван — Тбилиси” йўналишидаги самолётларга ўрин таллонларини олади.

Ҳамма иши силлиқ кетаётган Сирож паспорт назоратидан ўтаётган вақтида, аэропортда ўз хизмат вазифасини бажараётган ходим Сирождан Грузияга кетиш сабаби бўйича у билан суҳбат ўтказмоқчи эканлигини айтиб, ундан холироқ жойга чиқиб туришини сўрайди. Кутилмаган бу “таклиф”дан Сирож эсанкираб қолади ва дарҳол ўзини қўлга олиб, ўзининг содир этиш мумкин бўлган жиноятлари фош бўлишидан қўрқиб фурсатдан унумли фойдаланган ҳолда қўл телефонидаги ёзишмаларни ўчириб ташлайди.

Шундан сўнг Сирожнинг ёнига Россия Федерациясининг Федерал хавфсизлик хизмати ходими келиб у билан сўров ўтказлади. Сўров давомида ФХХ ходими Сирожнинг телефони хотирасидаги материалларни кўздан кечириб, унда Суриядаги “жиход” билан боғлиқ материаллар борлигини аниқлайди.

Жиноий мақсадлари фош бўла бошлаган Сирож ФХХ ходими га ҳақиқатан ҳам “жиход”да иштирок этиш мақсадида Сурияга бориб, у ердаги “Тавҳид ва жиход катибаси” террористик ташкилотига қўшилмоқчи бўлганини маълум қилган.



Сен шуни орзу қилганмидинг!

Октябрнинг тўртинчи санасида С.Ходжанов Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ҳамкорлик каналлари бўйича “Москва — Тошкент” авиарейси билан Тошкент шаҳрига олиб келинади...

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг хулосасига кўра, Сирождан олинган қўл телефонида мавжуд бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг фаолияти тақиқланган “Тавҳид ва жиход катибаси” ҳамда “Ҳизбут-таҳрир” экстремистик ташкилотларига тегишли бўлиб, ушбу маълумотлар ақидапарастлик ғояларига йўғрилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга хизмат қилиши таъкидланган.

Бундан ташқари, ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг маълумотида кўра, Сирож Ходжанов номига чет элга чиқиш рухсат ёзуви стикери ёки хоригга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилмаганлиги аниқланади.

Шунингдек, яна айрим Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳам Сирож Ходжанов жинояти билан боғлиқ далиллари ўз тасдиғини топди ва натижада, мазкур жиноят иши судга тақдим қилинди.

ЭГИЛГАН БОШ

Суд залида Сирож Ходжанов қилган ишдан пушаймонлигини, бу йўлга билиб-билмай кириб қолганлигини бот-бот таъкидлар экан, бошқа бу йўлга асло қайтмаслигини, чин дилдан пушаймонлигини такрор-такрор айтди. Исломи динининг етарлича билими бўлмаганлиги унга панд берганлиги, шу сабабли, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган ҳар хил оқимларнинг таъсирига тушиб қолганлигини айтиб, кечирим сўради.

Суд мазкур жиноий иш билан боғлиқ барча маълумот ва далилларни, шунингдек, судланувчи ўз қилмишидан қаттиқ афсусда эканлигини, ушбу хато йўлдан адашган ҳолда ёшлиқ қилиб диний билимсизлиги туфайли кириб қолганлигини ҳисобга олиб, Сирож Ходжановни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли, деб топиб, тўрт йил муддатга озодликдан чеклаш жазосини тайинлади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Бугун интернет ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Усиз ишимизда унум йўқ, усиз дунёдан узилиб қолгандек бўламиз, уни тушунмаслик ёки ундан фойдаланмаслик ҳам қоқоқликдир.

Ҳамма гап ундан тўғри ва самарали фойдаланишда. Тўғри фойдалансак юксаламиз, ривожланамиз.

Қадрли ўқувчи, азиз ватандош, кўзимизни каттароқ очайлик, сўнги пушаймон ўзинга душман, деганларидек мақола қахрамонига ўхшаб ўйламай ёт ғояларга эргашиб алал-оқибат ватандошларимиз, ота-онамиз, ёру бирордарларимиз олдида юзимиз шувут, бошимиз эгик бўлмасин. Минг афсуслар бўлсинки бугунги кунга келиб террористик хуружлар авж олган уруш ўчоқлари бўлиб турган Сурия ва Ироқ сингари давлатларда Ўзбекистон Республикасидан борганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқда. Ушбу бегона юртларда қанчадан қанча адашган ватандошларимиз нотўғри қабул қилган қарорлари туфайли хору зорликда ўлиб кетишди. Ахир, кўпни кўрган аждодларимиз бекорга айтишмаганку “Етти ўлчаб бир кес” деб. Ўйламай босилган нотўғри қадами учун инсон керак бўлса ўз жони билан жавоб бериши мумкин. Ҳар бир инсон ўзи учун тўғри, деб билган йўлни танлайди. Аммо озгина фикр қилайлик сени кўз қорачиғидек асраб-авайлаб вояга етказган ота-онадан, киндик қонинг тўкилган ватандан воз кечиш, ўзинг ҳам ҳали тўғри тушунмаган, англаб етмаган ғояларга ҳамда динни ниқоб қилиб ўзининг манфаати йўлида ҳар қандай ифлос ишларга қўл урадиган, ҳатто бегуноҳ инсонларни алдаб ўлим сари етақлайдиган кимсалар ордидан эргашиш тўғри йўл, деб ҳисобланмайди.

Мақсад кимнингдир хатоларини муҳокама қилиш, уни айбдор, деб масхаралаш эмас, аксинча бандасининг қилган хатоларидан тўғри хулоса қилишга тарғиб қилиш. Ўйлайманки, азиз ўқувчи, Сиз ушбу қораламадан ўзингизга етарлича хулоса чиқардингиз.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири**